ДИҚҚАТ ФИРИБГАР!

ДИҚҚАТ ФИРИБГАР!

Ҳурматли фуқаро! Сизга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган фирибгарликдан сақланинг.

Агарда сизга:

- Пора эвазига давлат органларига,корхона,ташкилотларга ишга,олий ўқув юртларига ўқишга киритиб қўйиш таклиф қилинганида;

- Пластик картангиздаги пулларни нақдлаштириб бериш таклиф этилганида;

- Арзон нархда, “вариант” га ёки бошқа шахсни номидан бўдган автомашинани сотиб олиш таклиф қилинганида;

- Сиздан турли мақсадларда кўп миқдорда пул маблағлари сўралганида;

- Етиштирилган мева-сабзавот,полиз махсулотлари,қуруқ меваларни сотиб олиб, уларни пулларини кейинроқ бериш таклиф қилинганида;

- Чет элга ишга ёки ўқишга юбориш таклиф қилинганида;

- Тергов, суд ёки бошқа давлат органларида кўрилаётган ишни пул эвазига ҳал қилиб бериш таклиф қилинганида;

- Арзон нархда уй-жой,ер,бино,томорқа олиб бериш таклиф қилинганида;

- Коммунал тўловлардан бўдган қарзни ҳал қилиб бериш таклиф қилинганида;

- Тилла тақинчоқлар сотиб олаётган вақтингизда ёки сотаётган вақтингизда;

Ҳаж сафарига юборишда ёрдам бериш айтилганида ва бошқа ҳолатларда пул бераётган вақтингизда.

ХУШЁР БЎДИНГ!

Фирибгарга алданиб қолишингиз мумкин!

Ўзингизга тегишли бўдган,меҳнатингиз эвазига топган мулкингизни,оилангиз ризқ-насибасини фирибгар қўдига топшириб қўйманг!

Қўйидаги қоидаларга риоя қилинг:

- Қонунларга риоя қилинг,пора беришдан сақланинг. Пора бериш ҳам жиноят эканини ёдда сақланг!

- Муаммоингизни ҳал қилиши мумкин бўдган давлат ташкилотларига мурожаат қилиб,ҳуқуқларингизни қонуний амалга оширинг;

- Ўзаро муносабатларда қонунчиликка риоя қилиб,бир-бирингиз билан пул муомаласини нотариус орқали расмийлаштириб олишни унутманг;

- Бирор-бир шахсга пул беришдан олдин худуд профилактика инспектори,адвокат ёки бошқа хуқуқ сохасидаги мутахасисдан маслаҳат олинг;

- Чет элга ишга ёки ўқишга бориш масаласида фақат давлат органларига мурожаат қилинг,бу масала билан фақат давлат органлари шуғулланади;

- Давлат ташкилотларидаги масала бўйича адвокатга ёки давлат органи раҳбарига мурожаат қилинг;

- Уй-жой, ер олишда қонунчиликка риоя қилинг,нотариус хизматидан фойдаланинг;

- Коммунал тўловларни фақат банк муассасаларига тўланг;

Сизга таклиф этилаётган хизмат қонуний ёки ноқонунийлигига эътибор қаратинг. Сизга ноқонуний йўл билан ёрдам таклиф этилаётган бўлса,демак у фирибгар.

Юқоридаги қоидаларга риоя қилмасангиз,ҳалол йўл билан топган мулкингизни фирибгар қўлига топшириб,пул ёки мулкингизни қайтаришда сарсон-саргардон бўлишингиз мумкин. Ҳозирги кунда кўплаб фуқароларимиз фирибгарларга алданиб,азият челмоқда.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

2017-12-07 11:25:39